Калом илми ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига (Ақида — араб. эътикод килинадиган тушунча. Бирон-бир динга мансуб булган шахс учун мажбурий хисобланган, хар қандай шароитда мухокама юритмасдан эътикод килиниши лозим булган диний талаблар нисбатан ақлий мулохаза юргазиш жараёнида махсус билимлар тизими мажмуи сифатида вужудга келди. Калом — «илмул калом» атамаси кенг маънода ўрта асрлар мусулмон адабиётида диний-фалсафий мавзуларда (шу жумладан насронийлик ва яхудийлик динларида хам) эркин фикр юритишларга нисбатан қўлланилган, тор маънода эса ақидапарастлик, яъни динда обру-эътиборли хисобланган шахслар пайғамбар, сахобаларга (*араб.*— хамрох, дуст — Мухаммад пайғамбарга иймон келтирган, умрларида бир марта булса хам, у киши билан учрашиб сухбат қурган ва унга ёрдам курсатган кишилар) тақлид йули билан эмас, балки, Қуръон ва сунний таълимотни ақл-идрокка мос талқин этиш, тафаккурга суяниб иш юритишга нисбатан ишлатилган. Мутакаллимлар (калом илми вакиллари) ва файласуфлар орасидаги фарк, уларнинг мавжуд масалаларни тахлил қилишда тутган мавкеларидир. Мутакаллимлар уни ечишда ислом қонун-қопдалари хисобсуянадиган бўлсалар, файласуфлар эса ланган Қуръон ва Хадисга антик услуб, яъни инсон сохиби булган аклни бирламчи килиб оладилар. Қалом дастлаб исломда мавжуд булған турли сиёсий-диний фирқалар (хаворижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржи'нйлар)нинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин (маздакийлик, насронийлик) вакиллари билан бахслашишлари жараёнида шаклланди. Ушбу торарбобларининг тишувларнииг натижаси Куръон тафсири ва ислом у ёки бу сохада килган амаллари талкини ташкил киларди. Шулар асосида калом илмининг дастлабки предмети вужудга келди: Аллохнинг ягона вужудлиги ва унинг сифатлари; қазо ва қадар (инсон тақдири); ўтган пайғамбарларнинг, шу жумладан, Мухаммадни Ал-

Лох элчиси эканлигини тан олиш; киёмат куни ва кайта тирилишга ишониш; мусулмонларнинг диний хамда дунёвий рахбарларининг (халифа, имомлик) сифатлари каби масалалар **ТНИНУ** ташкил этади. Ислом даврининг дастлабки боскичларида жамиятнинг диний-хуқуқий асосларини турли дин ва халқларнинг миллий маданияти ташкил килар эди. Узга динларда булгани каби исломнинг назарий-хукукий томонлари кейинги асрларда шакллана бошлади. Чунки бу дин ўрта асрларда ўз атрофига араб бўлмаган — ажам халқларни хам бирлаштиришга улгурган эди. Шу туфайли исломиниг диний-хукукий таълимотини яратишда бу динни кабул килган миллат ва ирк вакилларининг манфаатларини хам хисобга олиш лозим эди. IX аср ўрталарига келиб исломда йирик окимларни суннийлар, муътазилийлар, муржиъйлар, шиалар ва ховорижийлар ташкил киларди.

Исломда илк илохиёт окимларидан бири хисобланган муътазилийа (араб.— ажралиб чиққаплар, узоқлашганлар) оқимидир. оқимнинг вакили Хасан ал-Басрий (642—728) муътазилий окимининг пайдо булишига сабабчи булган. Хасан ал-Басрий таълимоти ривожида унинг издошлари Восил иби Ато (ваф. 748 й.) ва Амр ибн Убайд (ваф. 761 й.) кабиларнинг ўрни катта. Улар исломга антик фалсафа ва мантикнинг метод хамда тушунчаларини татбик килиб, мистикани инкор этишга уриниб, ислом асосларини рационал талкин этишга ҳаракат қилишган. Муътазилий таълимоти аббосийлардан Хорун ар-Рашид (786-809), ал-Восик (842-847) халифалик килган даврда эътикод сифатида танилди. Ал-Мутаваккил (847-861) хукмронлик даврида эса исломга зид булган окимлар сифатида қаттиқ таъқиб остига олинди. Булар натижасида ислом илохиёти ўзгача яъни ислом анъаналарга зид булмаган холда ривожланишни такозо этди.

Абу ал-Хасан ал-Ашъарий (ваф. 935 й.) биринчилардан калом билан ислом ақидаларини уйғунлаштиришга харакат қилган. Ашъарий бу таълимотни суннийликда турт мазхаблариниг иккиси шофиййа ва маликиййа мазхабларига суянган холда турли хил зиддиятлар орасида фаолият курсатган. VIII аср охиригача Мовароуннахрда мутакаллимларнинг турли гурухлари ўзаро курашиб, мунозаралар олиб боришганлиги яхши маълум. Албатта, бу тортишувларга исломдан аввалги илохиёт илмлари сабаб бўлган. Ушбу илохиёт сохасидаги фикрларни тартибга солиш борасида, ІХ асрда Самарқандда бир калом мактаби вужудга келди. Унга кейинчалик Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самаркандий номи берилди. Бу калом таълимоти кенг тарқалиб, суннийликдаги икки йирик мактабнинг (ашъариййа ва мотуридиййа) бири мавкеига эга булди. Булардан бири Басрада яшаган Ашъарий, иккинчиси эса, ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридийдир. Улар биргаликда эски динлар қолдиқларини батамом тугатиш ва ислом дини мафкурасини тузатншда жуда катта хизмат қилганлар. Уларнинг таълимотлари Мовароупнахр, Хуросоп ва Кичик Осиёда кенг тарқалған. Мазкур мактаб таълимотининг пайдо бўлишида эса Абу Мансур ал-Мотуридий шахси ва қарашларининг таъсири беқиёсдир. Шу сабабдан, аввало, шу калом мактабининг асосчиларидан бири хисобланувчи Абу Мансур ал-Мотуридий хаётини алохида ўрганиш мақсадга мувофикдир. Маълумки, IX асрнинг охирларига Урта Осиё мустакилликка эришди ва бу ерда араблар таъсиридан кутулган давлат — сомонийлар хукмронлиги (умуман 874—999) шаклланди. Ал-Мотуридий хаёти хам айнан сомонийлар хукмронлиги даврига тўгри келади. Самарканд дастлаб ушбу давлатнинг пойтахти эди. Аммо IX асрнинг охиридан бошлаб, Исмоил Сомоний (874—907) хукмронлик қилган даврда пойтахт Бухорога кучирилди. Бироқ, шунга қарамай Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннахрийнг асосий иқтисодий ва маданий маркази булиб қолди. ІХ асрнинг иккин-чи ярми X асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахр, шу жумладан, Са-

маркандда иктисодий ва маданий хаёт анча юксалган эди1.

Маълумотларга кура, Абу Мансур ал-Мотуридий Самарканднинг Мотурид кишлогида тахминан 870 йилда дунёга келади. Ал-Мотуридий қаёти хақидаги дастлабки мухим маълумотни Абу ал-Му'ин ал-Насафий (ваф. 508/1114 й.) беради. У Самарканд калом мактабини ўзининг «Табсират ал-адилла» асарида тавсифлаган. У ал-Мотуридийга етарли даражада эътибор ажратиб, бир канча биографик маълумотлар берди. Айни вақтда унинг калом борасидаги илми ва харакатларини эътироф килган. Қарийб бир вақтнинг ўзида ал-Насафийнинг замондоши Абу ал-Йусур ал-Паздавий (ваф. 493/1100 й.) ўзининг «Усул ад-Дин» асарида ал-Мотуридий хакида хам маълумотлар келтирган. Унда купрок мактовлар ва Мотуридийнинг калом борасидаги фикрлари баён этилган. Ал-Мотуридий номи ва хаётига оид маълумотлар шу каби дастлабки далиллардан сунг Усмонийларда ханафиййа табақот жанрида ёзилган асарларда хамда илк биографик адабиётларда учрайди, Бу маълумотлар асосан киска булиб ан-Насафийнинг берган маълумотларига хеч қандай қушимча киритмайди. Деярли барча манбаларда унинг вафоти 333/944 йил деб курсатилган<sup>2</sup>.

Энг аввало бўлажак аллома илм ўчоги бўлмиш Самарқандда саводини чикаргани маълум. Манбаларда ёзилишича, ал-Мотуридий устозлардан саналмиш Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Чйодий каби фақиҳ ва калом олимларида дарс олган. Уларнинг барчаси устозлари машҳур олим Абу Ҳанифанинг (ваф. 767 й.) талабаларидан таҳсил олганлар. Бу олимлар калом ва фиҳҳ борасида Самарҳандда катта мавҳега эга бўлганликлари ҳаҳида фикрлар бор. Ҳар иккала устоз ҳаҳидаги маълумотлар муҳимдир.

Ал-Мотуридий Самарқандда 944 йил вафот этган булиб, шу шахардаги машхур шахслар қуйиладиган Чокардиза қабристонига дафи

этилгандир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ал-Мотуридий икки аллома Абу Бакр ал-Жузжоний ва Абу Наср ал-Чйодийлардан тахсил олган. Энди факат ал-Мотуридий улардан қандай ва нималар борасида таълим олганлигини аниқлаш зарур. Лекин тўлик тасаввурга эга бўлиш

мумкин эмас, чунки манбаларда маълумотлар жуда оздир.

Ал-Мотуридийнинг шогирдларига келсак, улар орасида Абу Ахмад ал-'Ийодий, Абу ал-Хасан ар-Рустугфаний (ваф. 350/961 й.), Абд ал-Карим ал-Паздавий (ваф. 390/999 й.) каби ислом оламида машхур бўлган олимлар бор. Улар ўз устозларини жуда хурмат қилишган. Айни вақтда унинг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли мотуридийна калом мактаби вужудга келган.

Маълумки, диний илмлар жамият тараққиётида, инсонларнинг камол топишида ва уларнинг дунёқарашларининг шакллантиришда алоҳида роль ўйнаган. Ал-Мотуридийнинг кўпгина асарлари туркий элатларга исломий одоб қоидалари, шариат қонунлари, маънавий-ахло-

кий камолот сирларидан таълим беришга мулжалланган.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китоб ат-Тавхид», «Китоб алмакомат», «Маъхаз аш-Шараъи», «Китоб ал-жадал», «Таъвилот ахли ас-сунна», «Китоб Байон вахим ал-муътазила», «Радд ал-усул ал-хамса», «Китоб радд авалъил ал-адила ли-л Каъаби», «Радд Китоб ал-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Самарканд тарихи. 1-том. Тошкент, 1971. 13—14-бетлар.

<sup>2</sup> Brockelmann C. Geschichte der arabischen Liferatur. I. Weimar—Berlin. 1898. S. 195.

Каъаби фи ваъид ал-фуссак», «Китоб радд тахзиб ал-жадал ли-л-Каъаби ал-усул», «Китоб ал-имома ли-баъд ар-Равафид» каби асар-

лари бордир<sup>3</sup>.

Лекин бу санаб ўтилган асарлар хакида тўлик бир тасаввур йўкдир. Чунки, илк ўрта аср мутакаллимларининг купгина асарлари каби, унинг хам асарларининг аксарияти етиб келмаган. Факатгина «Китоб ат-Тавхид» ва «Таъвилот ахли ас-сунна» асарлари сақланиб қолган нусхалари орқали етиб келган.

Мутакаллимнинг энг мухим асарларидан «Китоб ат-Тавхид» 1970 йилда Фатхуллох Хулайф томонидан Байрутда нашр этилган. Хозирда у Англиядаги қулёзма фондларининг бирида сақланади. Ягона хисобланган бу нусха хакида күпгина тадкикотлар олнб борилган. Сайд Узеварлининг ёзишича, бу асарнинг бошқа нусхалари фақатгина Урта Осиё ёки унга қушни булган мамлакатлар қулёзма фондларидан

топилиб қолиши мумкин, деган фикрда4.

Ал-Мотуридийнинг калом борасидаги энг асосий асари «Китоб ат-Тавхид» хисобланади. Манбаларда унинг худди шу асари илк калом таълимотининг урганишда мухим ахамият касб этади, деб аталади. Шу сабабли у кукларга кутариш ва ортикча мактовга буркашга мухтож хам эмас. Шу тариқа «Китоб ат-Тавхид» бир неча сабаблар туфайли илохиёт борасидаги асосий манбалари каторига киритилади. Ал-Мотуридий таълимотининг ўрганилиши борасида «Китоб ат-Тавхид» тадқиқот марказида туриши аниқдир. Шу сабабли уни ўқиб ва тахлил килиш фойдадан холи эмас.

Ал-Мотуридийнинг яна бир машхур асарларидан хисобланмиш «Таъвилот ахли ас-сунна» (Қуръон таъвили) хозирги кунда бир неча нусхалари дунё фондларида сақланмоқда. Ал-Мотуридий бу асарни ёзишдан мақсади «Аҳл ас-сунна ва-л-жамо'а» (яъни Мовароуннахрдаги ханафийлар) таълимотига зид карашларни рад этишдир. Аллома бунда асосан Абу Ханифа қарашларига суянади. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Таъвилот ахл ас-сунна» асарининг биринчи жилди 1971 йилда Саййид ва Иброхим 'Авадайплар томонидан нашр этилди. Худди мана шу китоб А. Рахмон томопидан 1982 йнл янги кушимчалар билан қайта нашр булди. Ф. Сезгин ўзининг «Араб қулёзмалар тарихи» асарида «Таъвилот ахл ас-сунна» асарининг дунё фондидаги нусхалари хақида қимматли маълумот беради<sup>5</sup>. Бу эса ўз навбатида асарнинг қайси фондларда, нусхалари нечта жилддан иборат эканлигини аниқлаш имконини беради. Энди, ал-Мотуридий хақида замонамизга келиб қилинган илмий ишларга тухталсак, бу ишларда «Таъвилот ахл ас-сунна» асарига қай тарзда ёндашганларини кўриш мумкин. Уларнинг ичида энг диққатга сазовори Манфред Гётснинг мақоласидир6. Гётс ўзининг ушбу мақоласида ал-Мотуридийнинг қарашлари ва унинг фикрларини баён этибгина колмай, балки унинг ижодини ўрганишда «Таъвилот ал-Қуръон асарининг ахамиятини хам алохида таъкидлайди. Мазкур асарнинг дунёдаги сақланган нусхалари қамда уларнинг қисқача таснифи қақида мазкур мақоланинг муаллифи маълумот беради. Муаллиф факатгина шу билан чекланмаган, балки Алоуддин ас-Самарқандийнинг «Шарх таъвилот ахл ас-

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Насафи. Табсира 1146, 8; Ибн Қутлубуга. Таж, 59,6. Тошкёпрю-зада. Мифтах, 11, 22,1; Хажи Халифа. Кашф, 1408 ва бошқалар; Алоуддин ас-Самарқандий. Шарх таъвилот, Тошкент фонди, № 3249, 1 б варақ. <sup>4</sup> Said Ozervarli. The Authenticity of the Manuscript of Maturid's Kitab at-Tawhid: Are-examination, Islam Arastirmalari Dergisi, Souil, 1997, 29-бет. <sup>5</sup> Serqin. Fuat. Geschichte des arabischen Schrifitums. Bd. I. Leiden, 1967.

Cötz Manfred (Köln): Maturidi und Kitab Ta'wilat al-Qur'fn//Der Islam. 41 (1965) 27-70.

сунна» асарига хам озми-купми тухталиб утади. Унда асарнинг давримизгача етиб келган нусхалари хакида маълумотлар берилади. Аммо муаллиф Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фондида<sup>7</sup> сақланаётган ал-Мотуридийнинг «Таъвилот аҳл ас-сунна» ва унинг шархи нусхалари хакида маълумот бермаган<sup>8</sup>. Шунга карамасдан, мақола ал-Мотуридий ижодини ўрганишда жуда мухим тадқиқотлардан бири сифатида эътиборга олиниши лозим. Рудольфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқанддаги сунний эътикод» номли монографиясида ал-Мотуридийнинг асарлари бÿлмиш «Таъвилот ахл ас-сунна» ва «Китоб ал-Тавхид» хакида хам маълумотлар берилган<sup>9</sup>. Лекин Тошкент нусхалар хакида бирон суз хам айтилмаган. Араб тадкикотчисн Ахмад ал-Харбий ўзининг «Мотуридийа: тадқиқот ва давр нуқтаи назаридан» номли монографиясида бу шох асар хакида жуда киска маълумот беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Тошкент фондида ал-Мотуридийнинг номи билан боғлиқ бир қанча қулёзма асарлари сақланмокда. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарк мамлакатларида илмий-адабий тил хисобланган, араб тилида ёзган. Бу фондда сақланаётган «Таъвилот ахли ас-сунна» ёки унинг яна бир номи «Таъвилот ал-Қуръон» (Қуръон таъвили) булиб, бу асар Тошкент № 5126 рақами остида сақланади, бу иккинчи жилдидир. Инв. № 5127 рақами остидагиси эса охирги жилдидир. Хар иккала нусха хам Хожа Мухаммад Порсонинг (ваф. 1420 й.) кутубхонасида сақ-

Шу фонднинг ўзида машхур ханафий фикх олими Алоуддин ас-Самарқандий томонидан ёзилган шархи хам мавжуд бўлиб, № 3249 ва № 3155 инвентар рақамлари остида сақланади!. Буларнинг хар иккиси хам Хожа Мухаммад Порсо кутубхонасидандир. Хуллас бу нусхалар жуда бой маълумот беради.

Демак, бу янги манбалар ал-Мотуридийнинг шахсий хаётига оид бир қисм аникликлар киритади ва таълимоти билан боғлиқ бир қисм

кимматли маълумотлар беради.

Ал-Мотуридий эътикодда Имом Аъзам (яъни Абу Ханифа) таълимотларига суянган. Бизга маълумки, Абу Ханифа икки тур мерос қолдирган: 1) фиқҳга оид ишлар; 2) ақидавий таълимот. Ал-Мотуридий шу таълимотга суянган бўлса хам, ўша жойнда тўхтаб қолмади, балки замон талабидан келиб чиқиб, уни тараққий эттирди ва исломнинг эътикодий фалсафасини ишлаб чикди. Калом борасидаги ислохотларга тухталсак, у ислом тарихида юзага келган барча мафкуравий қарашлардан фарқ қилади. Мотуридиййа ақидаси нақадар Қуръон, хадис ва ақл-идрок, мантиқ ва хақиқатга яқин эканини гувохи булишимиз мумкин. У узининг таълимот борасидаги купгина фикрларини «Китоб ат-Тавхид» асарида баён этгандир. Хусусан, ўзга тонфадаги фиркаларга қарши шундай сўзларни айтади: «Улар тафаккур. ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллох таоло хам бандаларини тафак-

<sup>7</sup> Ушбу фонд мақолада бундан кейин Тошкент фонди деб юритилади.

8 Бу құлёзмалар хусусида қаранг: Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унни «Таъвилот аҳл ас-сунна» асари ҳақида янги маълумотлар//Шарқшунослик, 1999. 9-сон, 66—71-бетлар.

9 R u d o l p h U. Al-Maturidi & sunnitische theologie in Samarqand/E. J. Brill. Leiden—New York—Koln, 1997.

<sup>10</sup> Бу кутубхона хусусида қаранг: Митіпо v А. Қ., Ziado v S. L'horizon intellectuel d'un erudit du XVe siecle: nouvelles decouveris sur la bibliotheque de Muhammad Parsa//Cahiers d'asie Centrale. 1999, № 7, 77—98 р.

11 Биринчи бор мазкур қулёзмалар А. Муминов ва Ш. Зиёдов томонидан тавсиф қилиниб илмий муомилага киритилди, қаранг: «Nuvelles des Manuscrits du Moyen Orient//FiMMOD» Nu, VII/I. Juin. 1998. fiche 235—236.

кур ва тадкикот, ибрат ва тажриба билан иш килишга буйурганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир».

Ал-Мотуридий таълимотининг рационал магизи деб, маълумотларни кабул килишда муътазилийлар каби факат аклга суяниш эмас, балки акл билан наклни кушиб фойдаланиш зарур, деб биладилар. Акида борасидаги кушган яна бир улкан хиссаси уша даврларда жуда куплаб фиркалар эътикод борасида уз фикрлари билан мусулмон ахлини турли йулларга бошлар эдилар. Ал-Мотуридий шунга чек куйишда ва бу улкада ягона акида (яъни ханафийна мазхабидаги) хукм сурпшига улкан хисса кушди. У барча акида борасидаги бахсли мавзуларини хар бир фиркага далиллар асосида исботлаб берди. Юкорида айтиб ўтилгапидек, буларнинг барчаси шох асари булмиш «Тавхид» да ўз аксини топган.

Мутакаллим ислом илохиётида қазо ва қадар (яъни инсон тақдири) борасида ҳам ўзининг мулоҳазаларини баён этган. У инсонда танлаш эркинлиги бор деган иборани қуллаган. Бу ибора ҳозирги кунимизда демократик жамиятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ал-Мотуридий ўз мактаб анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннахр илохиёт мактабининг ривожланишига катта улуш қушди. Илохиёт имларини тула шаклланиб, такомилга етишидан уларни кайта ишлаб чикиб, маълум тизим (система)га солди. У яратган таълимот ислом динининг буюк акидавий окимларидан бири сифатида танилди. Хамда ханафиййа таълимотнин Урта Осиё халклари орасида уларнинг урф-одатларига чамбарчас богликлигини ўз карашлари оркали курсатиб берди. Унинг ислом тарихида курсатган хизматлари

кўриб ўтилган масалаларда намоён бўлгандир.

Мотуридиййа калом мактабининг ўрганилиш тарихига мурожаат қилсак, бу ўрганилишга арзигўйлик ишдир. Ушбу мактабнинг ривожланишига ва хозирги кунгача етиб келишида бир қанча ўртаосиёлик алломаларии ўрни жуда катта бўлган. Мотуридиййа калом мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан: мутакаллим Абу ал-Муъин ан-Насафий (ваф. 508/114 й.) қопуншунос, тилшунос олим Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. тахмипан 1145 йил), фақих Фахр ал-Ислом Абу ал-Хасан ал-Паздавий (ваф. 482/1089 й.), мутакаллим Абу ал-Йуср Мухаммад ал-Паздавий (ваф. 493/1100 й.) тарихнавис, географ ва фақих Нажимиддин Абу Хафс Умар ан-Насафий (вафоти 1142 йил) каби алломаларни айтиб ўтиш даркор. Бу калом мактабининг ривожига кейинги асрларда хам ўртаосиёлик кўплаб алломалар ўз хиссаларини қўшганлар. Улардан бири Саъдадин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазопий (ваф. 1390 й.), Хожа Мухаммад Порсо (ваф. 1420 й.)-ларни кўрсатиш мумкин.

Хуллас, ўзбек халқи ўзининг ватандоши — машхур олим ал-Мотуридий билап фахрланиши мумкин. Ханафиййа мазхабидаги асосий эътикоди мактаб сифатида юзага келган мотуридиййа калом мактабининг тарихда ўрни жуда мухимдир. Шундай экан, бу калом мактабинніг илмий ва ижодий меросини кенг илмий жамоатчиликка ва

халқимизга таништириш вақти келди, деб ўйлаймиз.

# Ал-Марғиноний таваллудига

## О. КОРИЕВ

## АЛ-МАРГИНОНИЙ — МАШХУР ФИКХ ОЛИМИ

Ислом хуқуқшунослиги — фиқх Пайғамбар алайхиссалом вафотларидан кейин деярли бир ярим аср давомида шаклланди. Дастлабки даврларда мусулмонлар жамоасида вужудга келаётган турли масалаларга Мухаммад алайхиссаломнинг ўзларидан жавоб олинган бўлса, кейпнчалик бундай саволларга у кишининг хотинлари Ойша разия Аллоху анхо ва сахобалардан (Мухаммад алайхиссаломни кўрган ва у кишига сафдош булган кишилар) Абдуллох ибн Умар, Аб-

дуллох ибн Масъуд кабилар жавоб бердилар.

VII—X асрларда ислом хуқуқшунослиги сохасида порлаган йирик мужтахид (ислом хукукшунослигида эътироф этилган мезон ва тамойиллар асосида хукм чикара олиш даражасида булган олимлар илм майдонига чикдилар<sup>1</sup>. Уларнинг хар бири ўз хукукий мактабини (мазхабини) яратган булсаларда, улардан айримлари, жумладан, Абу Ханифа Нуъмон ибн Собит (699-767) ханафия, Молик иби Анас (713-795) асос солган моликия, Мухаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (767-819) асос солган шофеъия, Ахмад иби Ханбал (780-855) асос солган ханбалия мазхаблари ва Суфён ас-Саврий (716-778), Абу Савр ал-Авзон (707-774), Исхок ибн Рахавайхлар яратган мазхаблар алохида нуфузга эга бўлгай. кейинчалик мазкурлардан факатгина дастлабки тўрттаси колган.

Сунний мусулмонлар орасида энг кенг тарқалган мазҳаб ҳанафия мазхабидир. Фиқх илми араб мамлакатларида вужудга келган бўлса хам, унинг ривожланишида ва мукаммал холга келишида айни шу мазхаб вакиллари булган Мовароуннахр факихларининг хизмати катта булди<sup>2</sup>. Айни шу даврда Мухаммад ибн ал-Хасан аш-Шайбонийнинг шогирди Абу Хафс Ахмад ибн Хафс ал-Бухорий 217/832) Бухорода ҳанафия мазҳабининг шаклланишида ва шу минтақада ёйнлишида катта хизмат қилди<sup>3</sup>.

Бу даврда фикхга бағишланган элликдан ортик асарлар битилган булсада, уларнинг ичида энг обрули ва бетакрор асар булиб аллома, факих Бурхон уд-Дин ал-Марғинонийнинг «ал-Хидоя» асари булиб қолди.

Фарғона водийсининг Риштон нохиясида дунёга келган алломанинг асли исми Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фаргоний ар-

1989. 28-бет.

<sup>2</sup> Муминов А. Мавераннахарская школа фикха (IX—XIII века)/, Общественные науки в Узбекистане. 1991. № 10. С. 35—38.

<sup>1</sup> Вахба аз-Зухайли. Ал-Фикх ал-исламий ва адиллатуху. 1-жилд, Дамашк.

з Махмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-аълом эл-ахёр фи табақот фукахо ва машайих мазхаб ан-Нуъмон//УзР ФА ШИ қулёзмалар хазинаси, инв. № 2929, 82-бет,

Ришдоний ал-Маргинонийдир<sup>4</sup>. Бурхон уд-Дин ва-л-милла (ислом динининг ва мусулмонларнинг хужжати ва исботи) деган шарафли ном эса ўша даврда энг кўзга кўринган алломаларга бериладиган шарафли ном хисобланган. Шу сабабли бу зот купрок Бурхон уд-Дин Урта асрлардаги аксарият ал-Марғиноний номи билан машхурдир. алломаларнинг таваллуд саналари күпинча маълум булмайди. Хазрат Бурхон уд-Дин ал-Маргинонийнинг таржимаи холи келтирилган барча манбаларда хам у кишининг факат вафот этган йили зикр этилади. Лекин Абу Тохирхужанинг «Самария» номли асарида у зотни 515/1123 йилда таваллуд топгани ҳақида маълумот келтирилади<sup>5</sup>. Аммо кейинги даврда чоп этилган «ал-Хидоя» асарининг Байрут нашри сўз бошисида алломанинг таваллуд санаси 511/1123 йил деб кўрсатилган6. Узбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қулёзмалар хазинасида сақланаётган «ал-Хидоя»нинг қулёзмалар устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кейинги сана, яъни 511/1118 йил тўгри эканлиги тасдикланди.

Алломанинг болалиги ва ўсмирлик даври хакида батафсил лумотлар бўлмасада у киши ўқимишли ва зиёли одамлар авлодидан эканлиги хакида манбалар гувохлик беради. У киши дастлабки таълимни туғилган юрти Марғилонда олди. Ешлик пайтидаёқ Қуръони Каримни ёд олиб, хадис илмидан мукаммал таълим олган. Алломанинг устозлари хакида маълумотлар у зотнинг ўз каламига мансуб булган «Китоб ул-машайих» китобида келтирилган. Бу асарда муаллиф киркдан ортик шайхларининг номларини зикр килган. Бу руйхатда Нажмуддин Абу Хафс Умар ан-Насафий, Хисомуддин Умар ибн Абдулазиз Абу ал-Асир ал-Байзовий, Абу Ёкуб ас-Саярий ва бош-

қаларнинг исмлари киритилган<sup>7</sup>.

Бурхон уд-Дин ал-Маргиноний 544/1149 йили муборак хаж сафарига бориб қайтган ва 573/1178 йилда машхур «ал-Хидоя» асарини

еза бошлаган<sup>8</sup>.

Аллома анча бой илмий мерос колдирган. Бизгача етиб келган асарларидан «Мухторот мажмаъ ун-навозил» (Нозил булган нарсатўплами), «Китоб ут-тажнис» (Мувофиклаштиларнинг танланган риш китоби), «Китоб ул-мазид» (Илмни зиёда килувчи китоб), «Китоб ул-фароиз» (Фарзлар китоби), «Китоб ул-мунтакий» ган китоб), «Бидоят ал-мубтади» (Бошловчилар учун дастлабки таълим), «Кифоят ал-мунтахий» (Якунловчилар учун тугал таълим) бошқа асарлари маълум<sup>9</sup>.

Бурхон уд-Дин ал-Маргиноний 593/1197 йили зу-л-хижжа ойининг 14 куни сешанбада вафот этди ва у зот Самарканддаги Чокардиза

қабристонида дафи этилган<sup>10</sup>.

Аллома анча бой илмий мерос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларидан «Мухторият мажмаъ ун-навозил» («Нозил бўлган нарсаларнинг танланганлари туплами»), «Китоб ут-тажнис» («Мувофиқлаштириш китоби»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зиёда килувчи китоб»), «Китоб ул-фароиз» («Фарзлар китоби»), «Китоб ул-мунтақий («Танланган китоб»), «Бидоят ал-мубтади» («Бошловчилар учун бошланғич таълим»), Кифоят ал-мунтахий» («Якунловчилар учун ту-

Уша асар, 216-бет.

 <sup>&</sup>lt;sup>5</sup> Абу Тохирхўжа. Самария. Тошкент, 1991. 40-бет.
 <sup>6</sup> Ал-Хидоя. Байрут, Дар ул-кутуб ал-илмия. 1990. 5-бет.
 <sup>7</sup> Ал-Кафавий, 212-бет.

<sup>\*</sup> Абдулхай Лакнавий. Ал-фаванд ал-бахия фи таражим ал-ханафия. Қозон, 1903. 172-бет. 9 Ал-Қафавий, 214-бет.

<sup>&</sup>lt;sup>10</sup> Абу Тохирхўжа. Самария. 40-бет.

гал таълим»), «Маносик ал-хаж» («Хаж маросимлари»), «ал-Хидоя» («Тўгри йўлга кўрсатма») ва бошка катор асарлари маълум<sup>11</sup>.

«Бидоят ал-мубтади» асарининг вужудга келиши хакида муаллиф жумладан шундай дейди, — «Фикх бобида барча масалаларни райдиган, хажми унча катта булмаган ва турли мунозарали уринларини бир хулосага мувофиклаштирадиган бир асар булиши зарурлигини ўйлаб юрардим. Кудурий кискартмаси ва Мухаммад аш-Шайбонийшинг «ал-Жомеъ ас-Сағир» («Кичик туплам») асарлари танишгач ана шу икки асарнинг зарур ўринларини бир китобда жамлашга ихтиёр этдим ва асаримга «Бидоят ал-мубтади» деб ном бердим» 12. Кейинчалик муаллиф бу асарга шарх ёзиб «Кифоят ал-мунтахий» деб атади. Лекин бу асар нихоятда кимматли бўлиши билан бирга хажми жуда катта булиб саксон жилддан иборат эди. Шу бабли аллома унга иккинчи бир шарх ёзиб уни «ал-Хидоя» деб атади. Бу асар нихоятда ихчам, енгил ва мухими жуда фойдали ва лай құлланма бұлиб қолди. Муаллиф таъбири билан айтганда, DHвоятларнинг энг ишончлиси ва билимлариниг энг тугрисини уз ичига олган бу асар 573/1178 йилнинг зул қаъда ойида, чоршанба куни туш пайтида ёзила бошлаган.

Хазрат Бурхонуддин ал-Маргилоний илмга фидоийлик ва такводорликда асрлар оша инсонларга ибрат бўла оладиган даражадаги аллома эди. У зот ўзининг машхур «ал-Хидоя» асарини ўн уч йил давомида ёзар экан, тарихчи Мухаммад Абдулхай Лакнавийнинг хабар беришича, шу муддат давомида рўзадор холида бўлган. Бундан ташкари аллома ўзининг шижояти ва чукур таквосини ўзгаларга кўз-кўз килмай аксинча, ўзгалардан пинхон тутган. Масалан, у кишига овкат олиб келганларида уни қайтариб юбормас, балки олиб қолар сўнгра талабаларга бериб едирар, қайта идишни олиб кетгани келганларида индамай бўш косани қайтариб берар эди. Шу тариқа атрофдагилар хатто алломанинг рўзадор эканидан хабар топмаганлар.

«Ал-Хидоя» асари ёзиб битирилгандан кейин у билан биринчи булиб Шамс ул-аимма ал-Кардарий тапишиб чиққан эди. Замона алломалари бу асарга жуда катта қизиқиш изҳор этиб қатор-қатор шарҳлар битганлар. Шу сабабли «ал-Хидоя»нинг деярли барча қулёзма ва босма пусхаларининг хошияларида шарҳлар бор. Бу асарнинг қатор қулёзма нусхалари юртимиздаги ва хориждаги қулёзма хазиналарида сақланмоқда. Узбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний помидаги Шарҳшунослик институти қулёзмалар хазинасида ҳам аксарият бир неча қулёзма нусхалари сақланмоқда. Жумладан, хозиргача бизга маълум булган энг қадимий қулёзма нусхаси ҳам айнан шу хазинада сақланмоқда.

Барча улуг зотларнинг хасадгуйлари булгани каби алломанинг атрофларида хам бундай кимсалар топиларди. Улар Марғиноний асарларида келтирилган хадислар тўгри эмас деб даъво қилдилар. Шу сабабли катор уламолар асарда зикр этилган хадисларнинг либ чиқишини тахлил қилдилар. Бу мавзуга бағишланган қатор асарлар битилди. Жумладан, Мухиддин Абдулқодир ибн Мухаммад Кураший ал-Мисрийнинг «ал-Иноя би маърифати аходис ал-Хидоя» («Ал-Хидоя» хадисларини ўрганишга эътибор»), шайх «Ал-кифая фи маърифати аходис ал-Хидоя» («Ал-Хидоя» хадисларини ўрганняга етарли билим) ва шайх Жамолиддин ибн Абдуллох ибн Юсуф аз-Заимий «Насаб ар-рая ли аходис ал-Хидоя» («Ал-Хидоя хадисларита берилган эътибор») номли асарларида бу хилдаги иддаолар мутасоссиз эканлигини курсатиб бердилар<sup>13</sup>. Ханафия мазхаби фа-

<sup>11</sup> Ал-Кафавий, 214-бет.

<sup>12</sup> Уша асар, 216-бет.

<sup>13</sup> Ал-Хидоя, сўз боши, Байрут, 1990. 7-бет.

қихлари беш тоифага булинади. Биринчи тоифага мазхаб мужтахидлари киритилади. Бу тоифага Абу Ханифа ишлаб чиққан тамойиллар асосида янги хукукий масалалар, коидалар чикара оладиган даражадаги олимлардан имом Абу Юсуф ва имом Мухаммадлар киритилади. Иккинчи тоифага мазхаб асосчиси томонидан хукм чикарилмаган масалаларга хукм чикара оладиган даражадаги ал-Хассоф, ат-Таховий, ал-Кархий, ас-Сарахсий, ал-Хилвоний каби алломалар киритилади. Учинчи тоифадаги алломалар сирасига фикхий коида ва хукмларни шархлаб тушунтириб бера оладиган, ноаник ўринларига аниклик киритишга қодир булган фақихлар киритилади ва улар ижтиход лишга қодир булмаган алломалардир. Туртинчи тоифа уламоларни «асхоб ат-таржих» деб аталади ва улар фикхий масалалар хукмлари танлай оладиган даражадаги алломалардир. Бу ичида афзалини тоифага имом ал-Қудурий ва имом Бурхонуддин ал-Маргиноний каби факихлар киритилади. Бешинчи тонфадаги уламолар эса кучли ва кучсиз, тўғри ва нотўгри, маъқул ва номаъкул хукмларни тушуна оладиган даражадаги алломалардир. Тарихчи Абу Фирас ал-Гассаний Бурхонуддин ал-Маргинонийни далилларни тахлил этишда, хукмларин чиқаришда бетакрор иқтидор эгаси ва шу сабабли хеч булмаганда мазхаб мужтахиди даражасидаги аллома деб бахолаган эдн.

Алломанинг яна бир хусусиятлари у кишининг пихоятда камтар инсон бўлганликларидир. Масалан, асарларида у зот ўзлари хакларида сўз юритган ўринларида «Заиф банда (Аллох уни кечирсин) шундай деди» шаклида зикр этадилар. Аллома вафотларидан кейин у кишининг шогирдлари асарларидаги шундай ўринларини «У зот (Аллох у кишидан рози бўлєин) бундай деди» шаклига ўзгартириб қўйганлар<sup>14</sup>.

Бурхонуддин ал-Маргинонийнинг баён услубида хам ўзига хослик кўзга ташланиб туради. Масалан, агар имом Қодихон ўз асарларида у ёки бу хуқуқий қондани баён этишда дастлаб ўзи танлаган қондани баён этиб, ундан кейин унга мақбул булмаган қарорни келтирса, Бурхонуддин ал-Маргиноний аксинча дастлаб ўзгаларинг фикр ва далилларини зикр қилиб сўнгра ўзи танлаган далил ва асосларии келтиради.

«Ал-Хидоя» асари бир неча аср давомида бутун ислом оламида бетакрор қулланма сифатида эъзозланиб келмоқда. У икки жилд ва турт жузъдан иборат. Хар бир жузъ ўз навбатида китоб, боб ва фаслларга булинади:

Асарнинг биринчи жузъига ибодат масалалари — тахорат, намоз, руза, закот ва хаж мавзулари киритилган;

Иккинчи жузъга эса — никох, талоқ, эмизиш, қулларни озод қилиш; топиб олипган болалар, қасам, жиноят, жазо, қочқин қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки каби мавзулар;

Учинчи жузъга — олди-сотди, пул муомалалари, кафолат, даъво, козиларнииг вазифалари, гувохлик, гувохликдан қайтиш, ваколат, иқрор булиш, совға, ижара, чекланган озодлик берилган қуллар, хомийлик, босқинчилик каби мавзулар;

Тўртинчи жузъа — шафоат, мерос, дехкончилик хусусида шартнома, курбонликка сўйиладиган жонзот, ташландик ерларни ўзлаштириш, таъкикланган ичимликлар, овчилик, гаровга бериш, хун хакки тўлаш васият ва бошка мавзулар киритилган.

Мазкур асар бир неча асрлар давомида мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда хам ислом хукуки назарияси ва амалиётига онд асосий кулланма булиб келди.

<sup>14</sup> Уща асар, 9-бет.

Аллома Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг ижоди ва унинг машхур «ал-Хидоя» асари турли мамлакатлар олимлари ва мутахассислари диққат марказида булиб келган. Урта асрлардан бошлабоқ турли мамлакатларда унинг асарларини чуқур ўрганиш ва уларга шархлар ёзиш кенг тус олган. Жумладан, Арабистон ярим оролида Ахмад ибн Иброхим ибн Абдулғани ибн Исхоқ Абу Аббос ас-Саружий (ваф. 710/1311) «Гоят ус-Саружий» номли, Мисрда эса Исхок ибн Али ибн Яхъё Абу Тохир Нажмуддин (ваф. 711/1312) «ал-Хидоя»га хошия, Бухорода Махмуд ибн Ахмад ал-Махбубий (ваф. 747/1346) «Викоят ур-ривоя фи масаил ал-Хидоя» помли асарларини ёздилар 15. Бундан ташқари ташқли олим Қавакчи Е. З. 16, немис олими

Радтер Б.<sup>17</sup>, рус олими Лукошин Н. С.<sup>18</sup> лар хам алломанинг ижоди ва унинг машхур «ал-Хидоя» асарининг Якин Шарк мамлакатлари илм-фан ва маданиятига кушган улкан хиссасини юкори

ганлар.

Узбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган «ал-Хидоя»нинг қулёзма нусхалари ичида Мовароуннахрнинг турли шахарларида, Миср, Афгонистон, Қашғар, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда кучирилган нусхалари бор.

Бу асариниг қулёзма нусхаларидан 21 донаси Англияда (Лондон); олти донаси Францияда (Париж), уч донаси Германияда (Берлин),

шунингдек Россияда хам бир нечтаси сақланаётир.

Асар аслида араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. «Ал-Хидоя»нинг рус тилига килинган дастлабки таржимаси Н. И. Гродеков томонидан инглиз тилидан ўгирилган бўлиб, у 1893 йилда Тошкентда чоп этилган. Бу таржима асл матидан бевосита таржима қилинмагани учун анча нуқсонли. 1994 йилда эса Тошкентда бу асар яна бир бор профессор А. Х. Саидов суз бошиси ва тахрири остида нашр этилди<sup>19</sup>. Уша йили мазкур асарнинг «Никох китоби» қисмидан бир парчасининг араб тилидаги матнидан ўзбек тилига ўгирилган таржимаси «Хаёт ва қонун» журналининг учинчи сонида босилди<sup>20</sup>.

Мустакиллик яратиб берган имконият туфайли тарихий, маънавий ва маданий меросимизни илмий ўрганиш, аждодларимиз колдирган бой меросимизни халқимизга етказиш, амалиётга татбиқ этиш

имкониятлари туғилди.

17 Radtre B. Theologen und Mystiker in Hurasan und Transoxanien//ZDMG. Vol. 136. 1986.

<sup>16</sup> Haji Khalfa. Lexicon bibliographicum et encyclopedicum. Vol. VI. London,

<sup>1858. 1. 479-495.</sup> 16 Kavakci Y. Z. XI ve XII asrlarda Karahanilar devrinda Mavara al-Nahrda Islam hukukchulari. Sevinch Matbaasi. 1976.

 <sup>&</sup>lt;sup>18</sup> Лукошин Н. С. Автор Хидаи//ТВ. 1907. № 106.
 <sup>19</sup> Хидоя/Проф. А. Саидов тахрири остида. Тошкент, 1994.
 <sup>20</sup> Қориев О. Ал-Хидоя. Никох китоби//Хаёт ва қонун. 1994, 3-сон.

## научные сообщения

#### О ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ И ПОЛИТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ ВО ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКОЙ СТРАТЕГИИ США

Одной из характернейших особенностей современного мира является все более широкое развитие интеграционных процессов, которые явно обретают глобальный

характер.

Как показывает мировой опыт, интегрирование в современную мировую экономику — это длительный процесс, требующий выработки долгосрочной экономической стратегии, структурной перестройки экономики, коренного изменения форм и методов мирохозяйственных связей. Для Узбекистана глубокое изучение опыта отдельных государств, различных аспектов данной проблемы необходимо для успешного

включения в мировое хозяйство на правах равного партнера.

Огромную роль в указанных процессах играют Соединенные Штаты Америки — самая мощная, самая влиятельная великая держава мира. США обладают очень крупными природно-сырьевыми и высококвалифицированными трудовымы ресурсами, мощной, всесторонне развитой экономикой, ведут широкие международные финансовые, торговые операции, пользуются большим влиянием иа политической арене. И все это позволяет им оказывать эффективное воздействие на развитие интеграционных процессов, в которые все шире вовлекается и весь Центральноазиатский регион, в том числе Республика Узбекистан. С этой точки зрения, попытка дать обобщающий анализ характера растущего

С этой точки зрения, попытка дать обобщающий анализ характера растущего экономического влияния на международно-политические позиции США — «важного субъекта международной политики, имеющего огромный потенциал в деле поддержания глобальной и региональной стабильности»,— представляется весьма актуаль-

ной темой специального научного исследования.

На протяжении всей истории Соединенных Штатов традиционно заметную роль в их жизни играли экономические факторы. Часто именно они определяли национальные приоритеты данной страны. В мировой практике вообще существует ряд теорий иациональных интересов, ставящих главной целью проблемы экономического развития, необходимые условия для их реализации. Но во внешней политике США главенство экономических интересов проявлялось более четко, чем у других стран. На зарубежную политику государства в США прежде всего смотрели и смотрят сквозь призму внутренних проблем. Для них характерно опережение экономических связей относительно политических отношений<sup>2</sup>.

После распада бывшего Советского Союза, повлекшего за собой серьезные изменення в ранее существовавшей системе международных отношений, США столкнулнсь с дилеммой пересмотра старых и выработки новых подходов к межгосударственным отношениям. Соедненные Штаты оказались в уникальном положении едиственной «сверхдержавы», и они эффективно стремятся использовать сложившуюся снтуацию в своих интересах и в интересах своих союзников. Естественно, необходимы модификация старых механизмов урегулирования международных проблем и поиск новых. Здесь очень важна для международников, как экономистов, так и политиков, оценка роли США в мире, перспектив американских позиций в мировом сообществе.

На современном этапе, как и прежде, внешняя политика США в большей степени определяется стремлением подкрепить экономические интересы государства.

В этой связи надо подчеркнуть, что мирохозяйственные отношения представляют собой наиболее быстро растущую сферу экономической деятельности. Международная торговля по темпам роста значительно опережает рост внутреннего производства стран — участниц мировых торговых отношений. Такое положение сохранится и впредь вследствие усиления тенденций к дальнейшей интенсификации про-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Каримов И. А. Путь Узбекистана — интеграция в мировое сообщество. // Родина священна для каждово. Ташкент, 1996. С. 56.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> См.: Беневоленский В., Кортунов А. Экономическая взаимозависимость и внешняя политика США. М., 1991.

цессов международного разделения труда. Руководство США считает: «Чтобы продолжался быстрый рост американской экономики, необходимо по-прежнему расширять торговлю, не изолируясь от мира»<sup>3</sup>. США прилагают надлежащие усилия для либерализации мировой торговли и расширения инвестирования, прежде всего для развития американского экспорта, который составляст 1/3 реального ВВП этой страны. Американские рынки открыты для всех, а потому США считоют, что и зарубежные рынки должны быть открыты для американских товаров. Наиболее активно торговые отношения развиваются между триадой: Северная Америка, Западная Европа и Япония. Темпы роста экспорта достигают у них 5,5-7,3%, 3,4-5,4% и 3,3-4,6% соответственно. На их долю приходится около 90% объема прямых зарубежных инвестиций всех развитых стран (1996 г.). Уже отсюда вытекает тесная взаимозависимость внешнеполитических и внеш-

неэкономических позиций Соединенных Штатов, поскольку американская экономика

обслуживает американскую политику.

Послевоенный опыт показывает, что все крупные достижения внешней политики США базировались на прочном экономическом фундаменте. Так, послевоенная система международных союзов включала в качестве составных экономических частей «план Маршалла» для Западной Европы, программу стабилизации для Японии, расширение американских инвестиций в Латинской Америке, создание международных экономических организаций — ГАТТ, МБРР, МВФ. Иными словами, экономическая помощь США имела своей целью стимулировать политическое объединение государств западного блока.

Все послевоенные американские администрации последовательно поддерживали западноевропейскую интеграцию. Руководители США полагали и полагают, что наиболее полно американские экономические интересы реализуются именно в интегрированной Европе. Объединение Европы рассматривается и как важный фактор обеспечения национальной безопасности. Мощная Европа должна быть надежным союзником в резлизации общих целей в развивающихся странах. Подход США к интеграции Европы большей частью оправдался, хотя в ходе становления и развития ВС в американо-европейских отношениях появились новые, отчасти непредвиденные аспекты. В политической и военно-политической сферах, главным образом механизм НАТО, Соединенным Штатам удалось сохранить лидирующие позиции и в то же время постепенно перейти к диалогу и координации курсов. В экономической же сфере при всех аспектах единая Европа, конечно же, больше соответствует интересам США, чем Европа разобщенная.

Сегодня внешняя политика СІЏА вновь и вновь обращается к экономической проблематике, к использованию экономических факторов во внешней политике. Главная причина этого — дальнейшее укрепление экономических позиций США. Экономический компонент позволяет достигать устойчивых и долговременных решений по-

литических проблем.

Основа глобальной экономической взаимозависимости — интернационализация мировой экономики, т. е. опережающий рост мирохозяйственных связей по отношению к развитию мирового производства. «Существование же отношений взаимозависимости определяет круг политических и стратегических интересов участников, а стел пень неравенства - потенциал влияния друг на друга ...

Региональная структура международных экономических отношений также является немаловажным фактором формирования американских внешнеполитических

приоритетов.

На протяжении последних лет главное место во внешнеэкономических связях США по-прежнему занимают развитые страны, на долю которых приходится 2/3 внешнеторгового оборота США, 3/4 американских инвестиций и 9/10 иностранных капиталовложений в США. Поток прямых зарубежных инвестиций в США в 1996 г. составил около 85 млрд. долл. На экспорт работает более 20 млн. американцев и их заработная плата на 13% выше, чем в среднем по стране. Особенно тесно переплетены экономические интересы США, Западной Европы, Японии, Канады и Мексики. На последние три страны приходится 41% всего экспорта США и они поставляют 44% их импорта. Западноевропейские страны — ведущий зарубежный инвестор в США (67,6% от общего объема притока инвестиций в страну) и получатель на них приходится 43% прямых зарубежных инвестиций США, на Японию и Кана-ду — 16,2, 3,9% и 8,5, 9,4% соответственно<sup>5</sup>. Во внешнеэкономических связях США с развивающимися странами первое место остается за Латинской Америкой (до 15% внешнеторгового оборота и 19,7% капиталовложений). С конца 80-х годов повысился и удельный вес отношений США со странами Азиатско-Тихоокеанского региона — до 10% внешнеторгового оборота. «Комбинация быстрого роста и беспрецедентной либерализации делает экспортные и инвестиционные возможности рынков

<sup>3</sup> The Report of President of the USA. Wash. D. C., 1996.
4 Беневоленский В., Кортунов А. Указ. соч.
5 World Investment Report, 1997//UNCTAD, US Department of Commerce, N. Y .- Geneva, 1997.

Латинской Америки и ATP ключевыми для роста экономики США в грядущем десятилетии»<sup>6</sup>.

Приведенные данные о развитии экономической взаимозависимости позволяют сделать вывод о приоритетной роли отношений США с указанными странами. Прежде всего их объединяет общая заинтересованность в дальнейшем развитии международного рынка капиталов и обмена достижениями НТП. В современных условиях две сферы: финансовое хозяйство и научно-технические ноновведения — главнейший элемент экономического развития и тесной взаимозависимости экономики США и мирового хозяйства.

Так, финансовое хозяйство США в большей мере определяет условия функционирования мирового финансового хозяйства, нежели зависит от них. Существуют немалые возможности для влияния США на макроэкономические параметры других стран. Курс доллара — один из важнейших факторов, определяющих направление

международных товаропотоков.

Особое значение в сфере нематериальной торговли приобретает международная передача технологий. Научно-технический потенциал страны оказызает исключительно большое влияние на товарный экспорт, вывоз капитала и, как следствие, на состояние се платежного баланса. Новая технология стала самым ходовым товаром на мировом рынке, а США обладают огромным научно-техническим потенциалом. Американский рынок наукоемкой и технически сложной продукции тесно взаимосвязан с соответствующими мировыми рынками. У США доля технически передовой продукции в общем экспорте по-прежнему самая высокая — свыше 22%. Однако некоторые страны за счет концентрации ресурсов на избранных направлениях или организационных преимуществ тоже добились значительных успехов (Западная Европа, Япония). И США теперь причагают определенные усилия к понску взаимовыгодного сотрудничества с такими государствами (допуск иностранного капитала в наукоемкие отрасли, СП на территории США и т. д.).

В то же время значение энергосырьевого компонента под влиянием НТП уменьшилось. США создали новое структурное ядро в виде комплекса наукоемких отраслей с низкой энерго- и материалоемкостью. В дополнение к переходу на ресурсосберегающий тип экономического развития США создали и другие стабилизаторы возможной энергозависимости со стороны (диверсификация источников энергосырые-

вого снабжения и создание запасов стратегически важных видов сырья).

США имеют достаточно эффективные рычаги для влияния на ЕС. Так, стремление стимулнровать Европу к либерализации внешнеэкономической политики просматривается в использовании США своего рода «американо-азнатской солидарности» в рамках АТЭС (Азнатско-Тихоокеанский экономический совет). Вместе с тем в рамках АТЭС Соединенные Штаты добиваются более активных мер НПС и АСЕАН по расширению импорта товаров на их рынки. Еще важнее то, что при огромной заинтересованности большинства участников данного объединения в увеличении экспорта в Японню Вашингтои получает дополнительную возможиость уже ис в одиночку, а совместно с партнерами склонять Токио к более активному поощрению импорта и сокращению положительного сальдо торгового баланса. Следует подчеркнуть, что одна из новых тенденций — растущее взаимодействие США и Японии, которое, по мнению некоторых западных экономистов, может образовать «ядро будущей мировой экономики», «ось будущего мира».

Одним из важных направлений внешеэкономической деятельности США является блок вопросов, связанных с Китаем,— прежде всего в плане доступа США на огромный китайский рынок. Кроме того, вероятно, берется в расчет и вовлечение Китая в широкий диалог по геополитическим вопросам. В итоге Китай явно становится важным партнером США, стремящихся к вовлечению Китая в мировую экономику. «Америка заинтересована в стабильном, предсказуемом и открытом Китае, который признавал бы политический плюралнам, развивал рыночную экономику, опи-

рался на силу закона»7.

В то же время вполне вероятно, что экономическое значение развивающихся стран для США (за исключением стран Восточной и Юго-Восточной Азяи, Ближнего Востока и государств Латинской Америки) будет сокращаться в результате нарастания «самодостаточности» индустриально развитых стран и некоторых примыкающих к ним новых индустриальных стран. Это может повлечь за собой снижение роли развивающихся страи во внешнеполитической стратегии США. Это не означает полного ухода, но поведет к снижению приоритетиости некоторых регионов (например, Трошической Африки и Южной Азии).

Современный этап взаимодействия внешнеэкономической и внешнеполитической деятельности США находится в тесной связи с процессом дальнейшей экономической интеграции западного мира, активнзировавшимся с начала 90-х годов. Создана зона свободной торговли между США, Канадой и Мексикой, происходит ее интеграция с уже существующей зоной свободной торговли между США и Израилем. Есть все основания полагать, что США будут стремиться к интеграции во всем западном

<sup>6</sup> The Report of President...

<sup>&</sup>lt;sup>7</sup> Выступленне Презндента США Б. Клинтона накануне визита в Китай// Newsweek. June. 1998.

